

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг  
ҚАРОРИ**

**АҲОЛИГА КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА  
ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаширишнинг янги босқичи тўғрисида» 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832-сон **Фармонига** мувофиқ ҳамда уй-жой мулқдорлари ширкатларининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар сифатини ошириш, коммунал хизматлар ҳақининг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши юзасидан коллектив масъулиятни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

тасдиқланган жадвалларга мувофиқ уй-жой мулқдорлари ширкатлари ташкил этилишига кўра уй-жойлардан фойдаланиш бошқармалари ва ташкилотларини тугатсинлар ёки уларни уй-жой мулқдорлари ширкатлари билан шартномалар бўйича уй-жойларга хизмат кўрсатувчи хусусий ва бошқа нодавлат пудрат ташкилотларига айлантирсинлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

уй-жой мулқдорлари ширкатлари ташкил этишнинг тасдиқланган жадваллари амалга оширилишини таъминлаш учун 1991 йилгача курилган кўп квартирали уй-жойларни даставвал мукаммал таъмиглаш чора-тадбирларини кўрсинар, таъмилашни Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобига маблағ билан таъминласинлар;

(1-бандинг учинчи хатбошиси *Ўзбекистон Республикар Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 апрелдаги 122-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2016 й., 17-сон, 176-модда)*

уй-жой мулқдорлари ширкатларини омборхоналар ва хўжалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган турар жойга мўлжалланмаган бинолар, шунингдек моддий-техника ресурслари ва жиҳозлар билан таъминлашга кўмаклашсинлар;

икки ой муддатда фаолият кўрсатаётган ҳар бир уй-жой мулқдорлари ширкати ер участкаси чегараларини белгиласинлар ва уларга белгиланган тартибида участкадан фойдаланиш хуқуқи юзасидан давлат далолатномаси берсинлар. Белгилаб қўйилсинки, янги ташкил этилган уй-жой мулқдорлари ширкатларига ер участкаларидан фойдаланиш хуқуқи юзасидан давлат далолатномаси улар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин икки ой мобайнида берилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги 2001 йил мобайнида шаҳардаги туманлар коммунал-фойдаланиш бошқармаларини тугатсин ва улар негизида уй-жой мулқдорлари ширкатларига, корхоналар ва ташкилотларга шартнома асосида хизмат кўрсатувчи хўжалик ҳисобидаги авария-тиклаш хизматлари ташкил этсин.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2. Белгилансинки:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

янгидан ташкил этилаётган хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатлари рўйхатдан ўтказилаётганда ва ҳисобга қўйилаётганда давлат божидан озод этиладилар;

(2-бандинг иккинчи хатбошиси *Ўзбекистон Республикар Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 июндаги 168-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2009 й., 25-сон, 288-модда)*

хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатлари балансида бўлган турар жойга мўлжалланмаган биноларни ва бошқа мол-мулкни ижарага беришдан, шунингдек хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатларига тегишли бўлган ҳудуддаги якка тартиbdаги гаражлар ва бошқа иморатлар эгаларидан фойдаланиш харажатлари учун тушадиган маблағлар, улардан

кейинчалик айланма маблағларни тұлдиришда, уй-жойни мукаммал тузатиш учун моддий-техника ресурслари захирасини яратындағы фойдаланиш учун ширкатларнинг депозит ҳисоб рақамларига үтказилади.

(2-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 мартағы 43-сон қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2007 й., 9–10-сон, 85-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

3. Тижорат банкларига хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатларига жорий ва мукаммал таъмирлашни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техника ресурслари, асбоб-анжомлар ва жиҳозлар сотиб олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини қафиллиги остида имтиёзли кредитлар бериш тавсия этилсин.

(3-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 мартағы 43-сон қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2007 й., 9–10-сон, 85-модда)*

4. Мамлакатнинг барча ҳудуди учун коммунал хизматлар тариф сиёсатининг ягона принципларини жорий этиш мақсадида «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда коммунал хизматларга тарифларни шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш *методикасини* қайта ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;



*LexUZ шарҳи*

*Каранг: «Коммунал хизматларга тарифларни шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ва рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиши бўйича низом» (рўйхат № 1059, 04.08.2001 й.).*

2002 йил 1 январгача бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда газ, сув, иссиқлик таъминоти, марказий иситиш ва канализация хизматлари кўрсатишида технологик нобудгарчиликларнинг чекланган нормативларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 29 январдаги 47-ф-сон фармойишига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси ҳузурида ташкил этилган коммунал хизматларга тариф сиёсати бўйича доимий ишловчи ишчи гурух Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда маҳаллий бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган уй-жой коммунал хизматларга тарифлар, шунингдек коммунал хизматлар кўрсатувчиларга тарифлардаги фарқни қоплаш учун бюджетдан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан доимий мониторинг олиб борилишини таъминласин.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

5. Маблағлар йиғилишини такомиллаштириш мақсадида фуқароларнинг аризалари бўйича уларнинг иш жойидаги иш ҳақидан тегишлича ушлаб қолиш йўли билан уй-жой-коммунал хизматлар учун ҳақ тўланишини ташкил этиш амалиётини кенг қўлласинлар.

Аҳоли томонидан коммунал хизматлар учун тўловлар ҳар бир тижорат банки муассасаси ва тўлов қабул қилиш кассалари орқали тўланади.

(5-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 18 майдаги 127-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2005 й., 19–20-сон, 143-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

6. Қўйидагилар суд даъволари бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинсин:

умумий харажатларга ва коммунал хизматларга ҳақ тўлаш бўйича қарзларни ундириб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари;

тузилган шартномалар шартлари аҳолига уй-жой-коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар томонидан бажарилмаслиги ёки сифатсиз бажарилиши туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъволар бўйича хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари, шунингдек фуқаролар.

(6-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 мартағи 43-сон қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2007 й., 9–10-сон, 85-модда)

7. Белгилансинки, уй-жой мулқорлари ва уй-жойни ижарага олувчилар:

коммунал хизматлар учун аванс сифатида тўланган тўловларга, ушбу даврда тегишли тарифлар кўпайган тақдирда қўшимча ҳақ тўлашдан озод этиладилар (ўн икки ойдан ортиқ бўлмаган давр учун);

мавжуд қарзлар улар томонидан 2001 йил 1 июлгача бўлган даврда тўланган тақдирда муддати ўтказиб юборилган тўловлар суммасидан пеня тўлашдан озод этиладилар;

уй-жой-коммунал хизматлар учун 2001 йил 1 январгача вужудга келган қарзларни «Индексация» маҳсус ҳисоб рақамларидан омонатларни муддатидан олдин олиш ҳисобига тўлашлари мумкин, ушбу маблағлар тегишли банк томонидан омонатчиларнинг белгиланган намунадаги тўлов топшириқномаси асосида нақдинасиз ҳисоб-китоб йўли билан уй-жой-коммунал хизматлар кўрсатувчи ҳамда электр энергияси етказиб берувчи корхоналарга ўтказилади.

8. Қўйидагилар:

Уй-жойнинг умумий фойдаланиладиган жойларига техник хизмат кўрсатиш ва коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича намунавий шартнома (контракт) **1-иловага** мувофиқ;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

(8-банднинг учинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарори билан чиқариб ташланган — ЎР ҚҲТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда)

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла қўмиталари) билан биргаликда:

Нукус шаҳрида, вилоят марказларида ва Тошкент шаҳрида уй-жой мулқорлари ширкатлари ходимлари ва ахоли билан коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ислоҳ қилиш, ширкатлар фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг ахолига коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар билан ўзаро муносабатлари масалалари бўйича доимий ишловчи семинарлар ташкил этсинлар;

уй-жой-коммунал хизматлар учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш юзасидан колектив масъулият тизими самарали фаолият кўрсатаётган туманларнинг тўпланган ижобий тажрибасини оммалаштиришга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўрсинглар.

10. Ҳукуматнинг **3-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, бошқа манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарорга мувофиқ тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида бир ой муддатда таклифлар киритсан.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2001 йил 18 апрель,  
178-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2001 йил 18 апрелдаги 178-сон қарорига  
**1-ИЛОВА**

**Турар жойнинг умумий фойдаланиладиган жойларига техник хизмат кўрсатиш ва  
коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича**

**НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА (КОНТРАКТ)**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталадиган уй-жой мулкдорлари (Ягона буюртмачи хизмати, Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати) бир томондан, Устав асосида ва уй-жой фондидан фойдаланиш корхонаси номидан иш кўрувчи, кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталувчи иккинchi томондан, мазкур шартнома (контракт)ни қўйидагилар тўғрисида туздилар.

(1-илюва кириши қисми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 мартағи 43-сон қарори таҳририда — ЎР КҲТ, 2007 й., 9–10-сон, 85-модда)

## I. Шартнома мавзуси

1. \_\_\_\_\_ шаҳар, \_\_\_\_\_ туман \_\_\_\_\_  
кўчаси, \_\_\_\_\_ уйдаги манзилда жойлашган умумий  
майдони \_\_\_\_\_ кв.м. бўлган уй-жойнинг умумий фойдаланиладиган обьектларини техник  
хизмат кўрсатиш учун далолатнома бўйича «Буюртмачи» топширади, «Бажарувчи» эса қабул  
қилиб олади.

2. Техник хизмат кўрсатиладиган умумий фойдаланиладиган обьектлар:  
том;  
йўлаклар;  
лифт хўжалиги;  
техник ертўлалар;  
биттадан ортиқ квартирага хизмат кўрсатувчи муҳандислик-техник асбоб-ускуналар  
ва тармоқлар;  
шахталар — (лифт, ахлат ўтиш, газ ўтиш шахталари).

3. Квартиralар ичидан ўтувчи муҳандислик-техник асбоб-ускуналар ва  
тармоқларнинг хизмат кўрсатиш чегаралари:  
жўмраккача сув қувурлари шаҳобчалари;  
радиаторгача иситиш тизими;  
газ тармоқлари, шу жумладан газ плитаси;  
жўмраккача иссиқ сув таъминоти тармоғи.

## II. Томонларнинг мажбуриятлари

4. «Бажарувчи» қўйидагиларни ўз зиммасига олади:  
турар жойдан техник фойдаланишнинг ягона қоидалари ва нормаларига риоя қилган  
холда умумий фойдаланиладиган обьектларга техник хизмат кўрсатилишини таъминлаш;  
умумий фойдаланиладиган жойларни, уй ички ва квартира ички муҳандислик  
тармоқларини (совуқ сув таъминоти, иссиқ сув таъминоти, канализация, иссиқлик тиргаклари  
ва тармоқлари, том ва зинапоя катаклари) зарур ҳолатда сақлашни таъминловчи мукаммал ва  
жорий тузатиш ишларини бажариш;

«Буюртмачи»дан асбоб-ускуналар носозлиги тўғрисида ёзма буюртма тушганда:

а) совуқ ва иссиқ сув таъминоти ва иситиш асбоб-ускуналарини 4 соатдан кечикмай  
тузатиш;

б) томдан чакка ўтишини бир кеча-кундузда тузатиш;

в) умумий фойдаланиладиган жойлардаги электр ускуналари носозлигини 1 кеча-  
кундузда тузатиш;

г) авария тусидаги носозликни дархол тузатиш;

коммунал хизматлар (иссиқ ва совуқ сув бериш, канализация, иситиш, газ, ахлатни  
чиқариш) ўз вақтида кўрсатилишини таъминлаш;

турар жойнинг ертўласига ва томига бегона шахсларнинг киришини тўсиш;

иш сифатининг кафолатланган даражаси ва микдори бузилиши муносабати билан  
«Бажарувчи»нинг айби билан келиб чиқсан заарларни «Буюртмачи»га қоплаш.

5. «Буртмачи» қўйидагиларни ўз зиммасига олади:

мазкур шартнома бўйича умумий фойдаланиладиган жойларга техник хизмат кўрсатиши ишлари бажарилганлиги, коммунал хизматлар кўрсатилганлиги учун ўз вақтида, бироқ ҳисбот ойидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай ҳақ тўлаш;

турар жойлардан техник фойдаланишнинг ягона қоидалари ва нормаларига ҳамда турар жойлардан ва уй атрофидаги худуддан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ умумий фойдаланиладиган жойлардан фойдаланиш;

квартирада ёки турар жойга кириш жойларида ўрнатилган барча ўлчов приборларининг сақланиши ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, улар ишдан чиқсан тақдирда бир кеча-кундуздан кечикмай «Бажарувчи»га ёзма равишда хабар бериш;

муҳандислик коммуникацияларини ивирситмаслик ва уларнинг олдини тўсиб қўймаслик ҳамда санитария ва ёнғинга қарши талабларга риоя қилишини таъминлаш;

авария вазиятида исталган вақтда «Бажарувчи»га турар жойга кириш имкониятини бериш.

### **III. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

6. «Буюртмачи» қўйидаги ҳуқуқларга эгадир:

мазкур шартномага мувофиқ ишлар нотўлиқ ва сифатсиз бажарилган тақдирда умумий фойдаланиладиган жойларга техник хизмат кўрсатиши бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш суммаси қайта ҳисоблаб чиқилишини «Бажарувчи»дан талаб қилиш;

ишлар «Бажарувчи» томонидан ўз вақтида бажарилмаган тақдирда ушбу ишларни ўз кучлари билан бажариш, харажатларни эса «Бажарувчи»нинг ҳисобига ўтказиш;

умумий фойдаланиладиган жойларга техник хизмат кўрсатишига ва кўрсатилган коммунал хизматларга йўналтирилган пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисботни талаб қилиш;

«Бажарувчи» билан келишмовчиликлар келиб чиқсан тақдирда судга мурожаат қилиш.

Ўз мажбуриятлари муддатида бажарилмаганда ёки зарур даражада бажарилмаганда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун хизмат кўрсатиши ёки хизматлар қийматининг 1 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Ундирилган пеня миқдори ишлар (хизматлар)нинг умумий қийматидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

7. «Бажарувчи» қўйидаги ҳуқуқларга эгадир:

материаллар, энергия манбалари, ёқилғи ва ҳоказолар нархлари ошган тақдирда умумий фойдаланиладиган жойларга техник хизмат кўрсатиши учун ҳақ тўлаш тарифини қайta кўриб чиқиш тўғрисидаги таклиф билан, бироқ бир йилда бир мартадан кўп эмас, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига мурожаат қилиш;

муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўловлар суммасининг 0,5 фоизи миқдорида пеня ҳисоблаш;

икки ой ва ундан кўп вақт давомида коммунал хизматлар учун ҳақ тўланмаган тақдирда (узишдан 3 кун олдин истеъмолчини сув ва газ таъминоти манбаларидан узиб қўйиш, «Буюртмачи» ҳисобидан ҳақ тўлангандан кейин улаш;

«Буюртмачи» билан келишмовчиликлар келиб чиқсан тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгилangan тартибда судга мурожаат қилиш.

### **IV. Алоҳида шартлар**

#### **V. Шартнома муддати**

8. Мазкур Шартнома 200\_\_\_\_\_йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_дан 200\_\_\_\_\_йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_гача муддатга тузилди.

9. Мазкур Шартнома имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

10. Мазкур Шартнома шартлари, агар ушбу ўзгаришлар учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказмаса, томонларнинг келишувига биноан Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ ўзгаририлиши мумкин.

11. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

Бир нусха «Буюртмачи»да иккинчи нусхаси «Бажарувчи»да қолади.

## VI. Томонларнинг реквизитлари

Буюртмачи

Манзил: \_\_\_\_\_

Банк ҳисоб рақами: \_\_\_\_\_

ФО \_\_\_\_\_

Солик тўловчининг идентификация  
рақами \_\_\_\_\_

Бажарувчи

Манзил: \_\_\_\_\_

Банк ҳисоб

раками: \_\_\_\_\_

ФО \_\_\_\_\_

Солик

тўловчининг идентификация  
рақами \_\_\_\_\_

**Изоҳ:** «Бажарувчи»нинг функцияларини хизматларни бевосита истеъмолчига кўрсатган ҳолда коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар (сув таъминоти, канализация, иссиқлик, газ электр таъминоти, ахлатни ташиб ва бошқа турлар) бажарган тақдирда, «Хизматлар кўрсатувчи» ва «Буюртмачи» ўртасида мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни таъминлашнинг умумий принципларига амал қилган ҳолда хизматларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида шартномалар тузилади.

*Олдинги таҳтирга қаранг.*

(2-илюва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган — ЎР КҲТ, 2004 й., 1-2-сон, 15-модда)

Вазирлар Маҳкамасининг  
2001 йил 18 апрелдаги 178-сон қарорига  
3-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси хукуматининг ўз кучини йўқотган айrim қарорлари

### РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ Комиссарлари Советининг «Ўзбекистон ССР шаҳарларида дворниклар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида» 1943 йил 31 майдаги 649-сон қарори.

2. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакатда соғлиқни сақлашни янада яхшилаш ва медицина фанини ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» 1968 йил 5 июлдаги қарори юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1968 йил 8 августдаги 386-сон қарори (ЎзССР КТ, 1968 й., 6-сон, 42-модда) 12-бандининг «в» кичик банди.

3. СССР Министрлар Советининг «Шахсий пенсиялар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1977 йил 19 декабрдаги 1128-сон қарори юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1978 йил 14 январдаги 11-сон қарори (ЎзССР КТ, 1978 й., 1-сон, 2-модда)га илова қилинган Шахсий пенсиялар тўғрисидаги Низомнинг 27-28-бандлари.

4. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Улуғ Ватан уруши катнашчиларининг моддий-маиший шароитларини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» 1978 йил 10 ноябрдаги 907-сон қарори юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1978 йил 11 декабрдаги 738-сон қарори (ЎзССР КТ, 1978 й., 12-сон, 44-модда) 2-бандининг «д» кичик банди.

5. СССР Министрлар Советининг «ҳарбий хизматчилар, ҳарбий хизматдан истеъфога чиқарилган шахслар ва уларнинг оиласлари учун имтиёзлар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1981 йил 17 февралдаги 193-сон қарори юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1981 йил 2 марта 179-сон қарорига илова қилинган ҳарбий хизматчилар, ҳарбий мажбуриятлилар, ҳарбий хизматдан истеъфога чиқарилган шахслар ва уларнинг оиласлари учун имтиёзлар тўғрисидаги Низомнинг 25-26-бандлари.

6. СССР Министрлар Советининг «Ватан уруши ногиронлари ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оиласлари учун имтиёзлар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1981 йил 23 февралдаги 209-сон қарори юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1981 йил 2 мартағи 182-сон қарорига илова қилинган Ватан уруши ногиронлари ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оиласлари учун имтиёзлар тўғрисидаги Низомнинг 17-банди.

7. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1981 йил 7 июлдаги 544-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1981 й., 7-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Ватан уруши инвалидларига ва боқувчисидан жудо бўлганлиги сабабли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи учун пенсия олаётган оиласларга турар жой майдони ва коммунал хизматига ҳақ тўлаш, шунингдек, Ватан уруши инвалидларига пассажир транспортида қатнаш юзасидан имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги Низомнинг I бўлими.

8. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда Ватан урушининг инвалидлари ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оиласлари учун белгиланган имтиёзлар тўғрисида ҳамда СССР Министрлар Советининг 1981 йил 23 февралдаги 209-сон қарорида кўрсатилган имтиёзларни қўлланиш тартиби ҳақида» 1981 йил 11 майдаги 407-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1981 й., 5-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ватан уруши инвалидлари ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оиласлари учун белгиланган имтиёзлар рўйхати III бўлимининг 3-банди ва IV бўлими.

9. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оиласлари, Совет Иттифоқи қаҳрамонлари ва Шуҳрат орденининг учала даражаси билан мукофотланган кишиларнинг моддий-маиший шароитларини янада яхшилаш масаласи бўйича» 1984 йил 26 июлдаги 812 ва 813-сон қарорлари юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1984 йил 4 сентябрдаги 456-сон қарори 1-банди «и» кичик бандининг бешинчи хат боши, «к» ва «л» кичик бандлари ва 2-бандининг «г» кичик банди.

10. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Улуғ Ватан уруши қатнашчилари учун тайинланган имтиёзларни Ленинград шаҳри қамалда бўлган даврда шаҳарнинг корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ишлаган ҳамда «Ленинград мудофааси учун» медали билан мукофотланган гражданларга жорий этиш тўғрисида» 1985 йил 14 майдаги 416-сон қарори юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1985 йил 14 июндаги 311-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1985 й., 6-сон, 26-модда) 1-бандининг «а» кичик банди.

11. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Аҳоли саломатлигини янада яхшилаш ва соғлиқни сақлашнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1988 йил 20 июндаги 764-сон қарори юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1988 йил 31 октябрдаги 392-сон қарори 19-банди «ж» кичик бандининг тўртинчи хатбоши.

12. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон Кўрлар жамиятининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва унинг социал соҳасини ривожлантириш чоралари тўғрисида» 1990 йил 28 июндаги 251-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1990 й., 6-сон, 21-модда)нинг 7-банди.

13. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Улуғ Ватан уруши йилларидаги меҳнат фронти қатнашчиларига имтиёзлар бериш тўғрисида» 1990 йил 21 сентябрдаги 315-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1990 й., 9-сон, 32-модда) 1-бандининг **иккинчи хатбоши**.

#### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(14-банда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 августдаги 237-сонли қарорига асосан 2016 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотади — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 32-сон, 432-модда)*

15. Ўзбекистон ССР Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги тизимидағи ҳамда СССР Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган корхоналаридаги кадрларни мустаҳкамлаш бўйича айрим чора-тадбирлар тўғрисида» 1991 йил 1 июндаги 152-сон қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Пенсиялар, стипендиялар ва ноишлаб чиқариш соҳа ходимларининг лавозим маошлари миқдорларини ошириш тўғрисида» 1992 йил 8 январдаги 3-сон қарори **5-бандининг** турар жой-коммунал хизматлар бўйича имтиёзларни жорий қилишга оид қисми.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари таркибига, илмий ходимларига ва ўқув-ёрдамчи ходимларига қўшимча имтиёзлар бериш хақида» 1992 йил 5 февралдаги Фармонини бажариш чоралари тўғрисида» 1992 йил 13 мартағи 128-сон қарори 1-бандининг **учинчи хатбоши**.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Коммунал хизматларнинг ўз харажатларини ўзи қоплашига босқичма-босқич ўтиши тўғрисида» 1994 йил 7 февралдаги 54-сон қарорининг **2-банди**.

*(Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2001 й., 8-сон, 40-модда; 2004 й., 1-2-сон, 15-модда; 2005 й., 19-20-сон, 143-модда; 2007 й., 9-10-сон, 85-модда; 2009 й., 25-сон, 288-модда; 2015 й., 32-сон, 432-модда; 2016 й., 17-сон, 176-модда)*